

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ



XXI

asr

ИЖТИМОЙ-СИОНИСТСКАЯ ГАЗЕТА

11-avgust 2022-yil 32 (978)



www.21asr.uz



@XXIasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

ИФТИХОР

XXI АСР ҚАҲРАМОНЛАРИ

Сизлар шу тариқа ўзбек шахмат мактабининг шон-шухратини юксак босқичга олиб чиқдингиз. Сизлар каби азму шижоатли, ватанпарвар ёшлилар энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг “олтин фонди”, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Мана шундай зукко ва катта салоҳияти ўғлонларни тарбияялаб вояга етказгани учун ота-оналарингиз ва устозларингизга чин юракдан ташаккур изҳор этаман.

Сизларнинг бугунги мисли кўрилмаган ғалабангиз юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, шахмат соҳасига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин амалий натижасидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

(Шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига йўлланган табриқдан)



Хиндистоннинг Ченнаи шаҳрида 188 та жамоа иштирокида ўтказилган 44-Бутунжоҳон шахмат олимпиадасида юртимиз ўғлонлари энг юқори погонадан ўрин олдилар. Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Яқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов каби шахматчиларимиз салоҳиятига бутун жаҳон яна бир бор тан берди.

Хиндистон, АҚШ, Арманистон, Нидерландия, Испания, Буюк Британия, Германия каби шахматда довруқ қозонгандаги давлатлар вакиллари билан баҳсларда бирорта ўйинда ҳам мағлубиятга учрамади. Бунда тажрибали мурабиблар Иван Соколов, Владимир Егин кўрсатган чинакам фидойилик намунасини унутмаслигимиз керак.

Ёш шахматчиларимиз ғалабаси мамлакатимизда

баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорта кўрсатиладиган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. 2026 йили она юртимизда ўтказиладиган 46-Бутунжоҳон шахмат олимпиадасида ўзбек фарзандлари чемпионлик рутбасини сақлаб қолиб, бугунги ғалаба тасодиф эмаслигини исботлашшига тилақдошимиз.

Давоми 6-саҳифада ►►

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2022”



Зоир НОРБЎТАЕВ олган сурат
Суратда: O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Акмат Хайтов Андижон вилоятида бўлиб ўтган “Ишбилармон аёл – 2022” кўрик танлови иштирокчилари билан мулоқотда.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА ҚАНОТ БУ ТАНЛОВ

Мана етти йилдирки, “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан анъанавий тарзда ўтказил келинмоқда. Ушбу қисқа, лекин салмоқли, натижадор муддат оралигига, тасаввур қилинг, 80 мингга яқин ишбилармон хотин-қизларни қамраб олган танловни ўтказиш, уюштириш осон кечмагани ҳақиқат. Эътироф этиш кераки, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳузуридаги “Аёллар қаноти” бўлими саъй-ҳаракати билан ушбу ўзига хос синов бутун мамлакатимиздаги опа-сингилларимиз ўртасида шуҳрат қозонди. Эътиборлиси, йил сайин бу танловга қизиқиш ортиб бормоқда, маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳарларда “Мен ҳам “Ишбилармон аёл” танловида қатнашсам бўладими?” дегувчилар кўпайди.

Яқинда партия раҳбарияти ташаббуси билан бу йил ушбу кўрик-танлов бошкача форматда ташкил этиладиган бўлди. Яъни ўтган йилгилиридан фарқли ўлароқ “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ўтказилмоқда ва унда ҳар бир вилоятда галибликни кўлга киритгандар танловнинг республика бўйича ҳам ғолиблири деб эълон қилинади.

Давоми 3-саҳифада. ►►

ҲОКИМЛАРНИ ДЕПУТАТ ВА СЕНАТОР БЎЛИШ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ КЕРАК

2
с.

ТАКЛИФ-МУРОЖААТЛАР ТЎХТАМАЯПТИ

3
с.

КАСБИДА ИНТЕНСИВ БОГДОРЧИЛИК ИНТЕНСИВ ЎСМОҚДА

4
с.

ЧЎТҚАРАДА НИМА ГАП?

5
с.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА КАНОТ БУ ТАНЛОВ



◀ Бошланиши 1-саҳифада.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Бу галиг ажойиб эстафета Сурхондарё вилоятида бошланди. Унда Термиз шахри ва вилоятдаги 14 та тумандон ғолиб деб топилган тадбиркорлик билан шугулланётган хотин-қизлар иштирок этиши. Термиз шахридаги Савдо-саноат палатаси худудий бўйими биносида ўтказилган тадбирда иштирокчилар ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини намойиш этиши. Иштирокчиларни ишларини баҳолаш ҳам ўзига яраша қўйиб кечди. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, ташкил эттаётган хизматлар бир-бираидан ўтса ўтадики, ҳеч қолишмайди. Ана шундай мураккаб вазифани партияниң **Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Алишер Рўзиев** бошчилигидаги ҳакамлар ҳайвоти аъзолари ўз зиммасига олди. Баҳолаш жараёндига асосий ётибор тадбиркор аёлларнинг яратган ишчи ўрни, маҳсулотларнинг сифати ва талабагирилти, экспорт салоҳияти қаратилди.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар ҳам етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати хуносасига кўра, 1-ўринга Шўрчи тумани иштирокчиси, **Мафтұна Шўрчи дизайн** МЧЖ раҳбари Гулсара Тангирова. – Асосан ўқувчилар учун мактаб формалари, эркаклар аёллар либослари, кўрла-ёстиқлар ва чойшаблар тикиб, маҳаллий бозорга чиқаряпмиз. Кола-верса, шоғирдлар ҳам тайёрлаб, хотин-қизларга тикувчилик сирларини ўратяпмиз. Бу йил ўзгача шукуҳда ўтган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловида мен ҳам ўз тақдимотим билан иштирок этдим. Партия томонидан биз каби аёлларнинг фоалиятига ётибор қартилиб, керак бўлса, муаммоларимизнинг ечимига ҳам кўмак берилётганидан жуда мамнунман. Бу тадбиркорларнинг сафини янада кенгайтиришга хизмат қиласди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Ўз ишининг усталири бўлган ишбилармон аёлларни бир даврда жамлаган кўрик-танловида республика боскичи Андижон вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

Тадбиркор аёлларнинг чинакам байрамига айланган мазкур тадбирда туман боскичида ғолибликни кўлга киритган энг фаол тадбиркор, ишбилармон хотин-қизлар ўз кўргазмалари билан иштирок эти.

Ушбу кўрик-танловда **Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикери Ўринбосари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Акташ Хайтош** қатнашиди ва бугун хотин-қизларимиз барча соҳаларда фаол иштирок эттаётгани, хусусан, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳамда фермерлик соҳасидаги улкан нахижаларга эриштаётгани, минглаб иш ўринглари яратишга ўз хиссасини қўшёйттанини алоҳида ётироф этди. Партия етакчиси танлов иштирокчиларига муваффақият тилади.

Танлов ғолибларини аниқлаш учун O'zLiDeP, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томоқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг ишларини баҳолаб боришида.

Якунда фахрли биринчи ўрин Асака туманидаги “Фарангизой” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Гулнора Тўйчиевага наисбет этиди. Марҳамат туманидаги “Шаҳноза текстиль” МЧЖ раҳбари Шаҳноза Сайфидинова эса 2-ўрингни егаллади. 3-ўринга Пахта-



обод туманидан якка тартибдаги тадбиркор, **хунарманд Сафияхон Холмирзаева** муносиб кўрилди.

Яна беш йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга диплом ҳамда қимматбахо совғалар топширилди.

– Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганимга беш йил бўлди. Пар кўрла, чойшаб, ёстиқ ва бошқа ётқ буюмларини тайёрлаб, Кирғизистонга ва Ўзбекистоннинг барча бозорларига ет-

казиб берини йўлга кўйганман, – дейди 1-ўрин соҳибаси Гулнора Тўйчиева. – Айни пайтда туманимиздаги Қайрагоч махалласидаги 150 нафар ишсиз аёлни иш билан таъминладим. O'zLiDeP хамшиша бизга хайрроҳо. Партия томонидан ўтказилётган буғунги байрамона тадбир биз каби ишбилармон аёлларга кўпроқ иштиёқ беради.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати



БУХОРО ВИЛОЯТИ

Кўрик-танлов Бухоро вилоятида ҳам қизғин кечди. Туман ва шаҳар босқичларидаги қўлга киритган 13 нафар ишбилармон “Замонавий ташаббускор аёл”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”, “Қўшилочкин икимтимиёт ривожлантиришида фаоллик кўрсатган фермер аёл”, “Иллининг муруватватли ишбилармон аёл” номинациялари бўйича ўз билим, маҳорат ва тажрибаларини синовдан ўтказиши.

Ниҳоят дақиқалар бошланди. Ниҳоят нуғузли ҳакамлар ҳайъатининг яқдил қарорига кўра фаҳрли 1-ўринг “Vanoaz Tekstile” МЧЖ раҳба-



ри, тадбиркор Маҳтоб Адилова кўлга киритиб, мутлақ ғолиба айланди. Коровулбозор туманидаги “Al-Hur” МЧЖ раҳбари Мафтұна Сайдоваганнинг ишлари 2-ўринга лойиқ кўрилди.

Боекор туманидаги “Chinar Mushroom” МЧЖ раҳбари Чинора Юсупованинг иштироки эса 3-ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, номинациялар бўйича пешқадам ишбилармонлар O'zLiDeP ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири



ТАКЛИФ ВА МУРОЖААТЛАР ТЎХТАМАЯПТИ

Ушбу тадбирга муносиб тайёр-гарп кўриш мақсадида республика идоралариро ишбилармонларнинг мурожаат ва таклифларни кабул қилишиб қилишда амалий ёрдам кўрсатиш учун республика штабига киритилди.

Дастлабки таҳжилларга кўра, мурожаат ва таклифларнинг кўпигина қисми Наманган, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Бухоро вилоятлари хисобига тўғри келади.

Мурожаатлар мазмун жихатдан таҳжил қилинганда, энг кўп қисми кредитлар ахлатиши ва молиявий кўллаб-куватлаш, солиқ тизимиш такомиллаштириш, бизнесга солик юқуни камайтириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмас билан таъминлаш билан боғлиқ бўлмоқда.

Тадбиркорларнинг мурожаатларини қабул қилишда амалий ёрдам бериш коралари кўрилмоқда.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Муассини қўмитаси Бизнес тузилмалари ва фермерлар билиан ишлаш бўлмиши.

ИШБИЛАРМОНЛАР ЗАМОНИ КЕЛДИ



Xозир, очигини айтаман, ҳаёлимизни қўйинг, ҳатто тушимизга ҳам кирмаган даврлар келди. Бир пайтлар тадбиркор ҳалқи турли хил кўринишадаги бюрократик тўсиқликлар, ортиқча ҳужжатбозлиқ, оворагарчиликдан безиб кетгани учун имкони борича менинг қўйишиша бўлди, дерди. Буғун эса Президентимизга минг раҳмат, бизлар учун ҳамма имконият, имтиёз, шароит яратиб берилди. Ҳеч замонда давлат раҳбари ишбилармонлар билан очик, юзма-юз мuloқot қўлганмиди, албатта йўқ.

Бу энди анъанаға айланди. Одид мисол, ўтган бир йил ичидаги мамлакатимизда инвестиция мухити такомиллаштириш, субсидия, ноли, қимматда бино-иншоатлар берилтили, кредит масалалари билан боғлиқ муаммолар, тўсиқларга ечим топилиши. Масалан, бўзингиз тадбиркорлар киритган сармоялар ҳисобидан ҳамкорликда очитилган “Quadra marmara group” кўшма корхонамиз томонидан Дўймон атрофида 225 гектар интенсив боф барпо килинди. Албатта, бу жойнинг иккита йилча аввалин ҳолатини кўрсангиз, даҳшатга тушасиз. Лекин инсоннинг кўли гул эканлигини турк кардошларимиз кўмидига исботлади. Корхонамизда 150 нафар доимий, 300 нафар эса мавсумий ишчи-хизматчилар фаолият юритилиши. Экспорт кўрсаткичимиз ўтча 3-5 миллион АҚШ долларига тўғри келтири. Янги инновацион гоёлар яратиди. Насиб эса якин йилларда инвестицион салоҳиятимиз 30 млн. АҚШ долларига етади. Ҳозир четдан олиб келиб экилган гилос, олма, беҳи, нок, шафтоли ва импорт ўрнини босуви күшкўнч (спаржа) аллакорига хосилга кирди. Шунингдек, кўшимча равишда З гектар жойда иссиқона ҳам куряпмиз.

Деярли барча технология ускуналарини хориждан олиб келяпмиз. Тўғри, алрим муаммолар ҳам йўқ эмас, лекин уларга хукуматимиз билан бирга икобий ечим топамиш.

Ўйлайманки, 20 август куни бўлиб ўтадиган мuloқot янада жонли ўтади.



Камол СОБИРОВ,
“Quadra marmara group” кўшма корхонаси таъсисчisi,
36 ёшда, Тошкент шаҳри

XXI АСР ҚАҲРАМОНЛАРИ

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.



**Акрам ХАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси раиси:**

Халқимиз олис Ҳиндистонда ўтказилган 44-Бутунхакон шахмат олимпиадасини чукур ҳаяжон билан кузатгани сир эмас.

Сабаби, бу нуфузли беллашувда дунёнинг манаман деган давлатлари вакиллари фақат чемпионлик учун курашнинг аниқ. Лекин шахматнинг олтин қоидаси шундай: ёғолиб бўласан, ёки мағлубият аламини тортасан. Минг бора шукрки, бизнинг йигитларимиз ушбу ақл жангидан дунёда тенгислизлигини исботлашди.

Нодирбек Абдузатторов, Нодирбек Яқуббоев, Жавохир Синдоров, Ҳақонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов... бу номлар янги Ўзбекистонимиз тарихидан зарҳал ҳарфлар билан муҳрланишига шубҳа йўқ. Айниқса, куни кечга давлатимиз раҳбарининг шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси азъоларига йўллаган табриги, телефон орқали самимий кутлагани барчамизни кувонтириди, руҳлантириди.

Шундай тарихий ғалаба билан юртошларимизни, хусусан, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг миллионлаб спортсебар азъоларини ҳам самимий табриклийман. Давлатимиз довруғини дунёга таратиб, байргомизни баланд кўттарган ўғил-қизларимизга омад ёр бўлаверсин!



**Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
раиси:**

2022 йил 9 август санаси мамлакатимиз шахмат тарихида олтин ҳарфлар билан ёзилди. Бу, шубҳасиз, янги Ўзбекистонда учинчى Ренессанс пойдевори яратиласетганинг ёрқин ифодасидир.

Энг ёш таркиб билан қатнашган юртимиз терма жамоаси юқори чўққини забт этди. Мадҳиямиз садолари остида юртимиз байргонин юксакларда ҳиллираб туриши миллионлаб муҳлисларнинг ҳавасини келтириди.

Аён ҳақиқат шуки, ғалаба ўз-ўзидан кўлга киритилмайди. Эътибор, кўлловот ютуқларнинг бosh омилидир. Президентимизнинг бир йил олдингина “Шахматни янада ривожлантириш” ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда шу йил 5 августрага “Шахматни янада оммалаштириш” ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари нафакат ёшларнинг интеллектулал салоҳиятни ўтиришга, шу билан бирга нуфузли мусобақада ўзбек шахматчиларининг оламшумул ғалабаларини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тарихга назар соладиган бўлсан, шахматнинг тараққий этишида ҳозирги Ўзбекистон худуди мухим ўрин тутганига амин бўламиз. Масалан, Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи Саъдий ва мажмай баҳрайн”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нағис”, “Лисон ут-тайр”, Захрииддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошقا тарихи асарларда шахматга доир кимматли мъалумотлар келитирилган. Амир Темур даврида эса кучли шатранжчилар Самарқандада жамланиб, дона сурған. Соҳибиён ташкил этган мусобақаларда кўп бор гоблиник кўлга киритган табризик аш-Шатранжий (Оловиддин ат-Табризий) маҳсус китоб ёзиб, XIV асрнча

Ўзбек шахмат мактабининг олтин авлоди эришган ғалаба билан Президентдан бошлаб сиёсатчилар, депутатлар, зиёлилар – бутун ҳалқимиз қизғин қутлади.

Марказий Осиёда яшаган кўплаб олия (гроусмейстер)лар ҳақида маълумот берган.

Соҳибиён Амир Темур шатранж (шахмат)га шунчаки эмрак ёки вақтини хуш ўтказиш учунгина эмас, балки ҳозирги замон тили билан айтганда, тактик назарий билимларни мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳам қарагани маънбаларда келитирилган.

Қайд этиши жоэзи, бугун мамлакатимизда 160 га яқин ўрта таълим мактабларида шахмат тўгараклари ташкил этилган бўлиб, 12 мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар қамраб олинган. Шунингдек, 250 дан зиёд болалар-ўсмиirlар спорт мактабларида шахмат бўйича 600 га яқин секциялар фойлият юритмоқда. Юртимизда шахмат профессионал шугулланувчилар сони 4 мингдан зиёд бўлиб, ақл гимнастикасиличаримизнинг 25 нафари ҳалқаро гроусмейстер хисобланади.

Шахмат бўш вақти мароқли ўтказиш воситасигина бўлиб қолмай, ‘балки ўйинчининг фалсафи’ мушоҳадаларини чукурлаштириша хизмат қўлади. Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабалари барчамизга муборак бўлсан!



**Хусан КАРВОНЛИ,
“Маърифат” – “Учитель Узбекистана”
газеталари бош муҳаррири:**



**Шерзод КУДБИЕВ,
Давлат солиқ, қўмитаси раиси:**

Ўзбекистон терма жамоасининг 44-жаҳон шахмат олимпиадасида чемпион бўлиши мен учун кутилмаган ҳодиса бўлмади.

2014 йил баҳорида Тошкентда ўтказилган Георгий Аззамов хотира турнирида ҳали 10 ёшга ҳам тўлмаган Нодирбек Абдузатторов (уша пайти рейтингни 2057 балл эди) ҳалқаро гроусмейстерлар Андрей Жигалко (2600) ва Рустам Ҳуснитдинови (2495), 12 яшар Шамсиддин Воҳидов (2063) ҳалқаро гроусмейстер Robert Organesyan (2613) маглуб этиб, ўзига хос шов-шув кўттарганида таникли гроусмейстер, 1992 йилги жаҳон шахмат олимпиадаси кумуш медали соҳиби Саидали Йўлдошев миллий терма жамоани ўша пайти 19 ёш бўлган Ҳақонгир Воҳидов етакчилигидан Нодирбек, Шамсиддин сингари ярқ этиб чиққан ёшлардан тузиши кераклигини айтган эди. Шундай яна тўртбеш йилда ҳалқаро мусобакаларда иотуқлар ўз-ўзидан кела бошлашини таъкидлаганди. Ҳали 2014 йилдаёт!

Улар сафига кеийнчалик Нодирбек Ёқуббоев ва Жавохир Синдоров ҳам кўшилди. Нодирбек Абдузатторов (2017) ва Жавохир Синдоров (2018) ҳатто жаҳоннинг энг ёш гроусмейстерлардан рўйхатидан ўрин олди.

Нодирбек Абдузатторов 2012 йили 8 ёшгача болалар ўртасида Шамсиддин Воҳидов 2015 йили 14 ёшгача болалар ўртасида жаҳон чемпиони буди.

Нодирбек Ёқуббоев ва Жавохир Синдоров ҳам бир неча мартадан мактаб ўқувчилари ўртасида жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Ҳали мактаб ўқувчилиси пайтидаёт, Ўзбекистон чемпионати олий лигасида 1-ўринни олишид.

Хуллас, ўзбек шахматида шу кунга қадар булар каби кучли иктидор соҳиблари бир даврда етишиб чиқмаган эди. Шахматимизнинг олтин авлоди бўй кўрсататганди инидивидуал натижалари билан.

Ниҳоят 2018 йили Туркиянинг Кўнён шахрида бўлиб ўтган 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида жаҳон шахмат олимпиадасида шу тўрт ўйлон ва Сетора Сапаровдан иборат Ўзбекистон терма жамоаси Саидали Йўлдошев бошчилигига чемпион буди.

Хорижлик эксперталар навбатдаги мусобакаларда, у хоҳ, жамоавий, хоҳ, индивидуал бўлсан, ўзбекистонлик шахматчилар ғолибликка асосий давъогарлардан бўлишини таҳмин қила бошлашиди. Бу тахминлар бирин-кетин рўёғга чиди.

2021 йили Россиянинг Сочи шахрида ва Польша пойтахти Варшавада ўтказилган тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ҳам ёшларимиз ҳамманинг диккатини ўзларига қаратишган эди. Жавохир Синдоров блиц йўналишида кучли саккизлиқдан жой олгани, Нодирбек Абдузатторов Магнус Карлсен, Ян Непомняший, Левон Аронян, Фабиано Каруана сингари супер юлдузларни мағлуб этиб, Жаҳон чемпиони бўлганидан хабарингиз бор.



**Муртазо РАҲМАТОВ,
сенатор, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
аъзоси:**

Шахматчиларимиз сўзининг устидан чиқди. Ўзбек шахмат мактабининг шон-шуҳратини юксакларга кўттарган бу йигитлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, миллатимизнинг чинакам “олтин фонди”дир.

Ушбу нуфузли мусобақа арафасида умидли шахматчимиз Жавохир Синдоров билан учрашади, омад тилаган эдим. У терма жамоа Президентимиз ва ҳалқимиз ишончилик оқлаб, албатт, олтин медал билан қайтажигини айтганди. Йигитларимиз сўзининг устидан чиқди.

Баракала, сизлар бизнинг фахримизиз! Навбатдаги мақсадингиз – жаҳон шахмат тозикини ҳам тез орада Ўзбекистонга олиб келишингизга ишонамиш!



“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2011 йил 14 июнда 0009-рәқами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси босмаконасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шахри Буюк Турсон кўчаси 41-й.

Газета оғсет суслиди, А-2 форматида

босилди. Ҳажми – 3 босма табоб.

Буюртма рәқами: Г – 851 Адди: 5083

Электрон обуна – 1355

Баҳоси келишилган нарҳда.

Топширилди – 21:00

Таҳририята келган кўлэмафар тақриз қилинмайди ва малилларга маънба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Малиллар фикри таҳририята нутқи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририята компютер марказида терилиди ҳамда дизайнерлар

Эллөржон Нематов,
Маъруфхон Раҳмонов
саҳифалади.